ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ
НАМАНГАН ТУМАНИ
ҲОКИМИНИНГ
ҚАРОРИ

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
NAMANGAN VILOYATI
NAMANGAN TUMANI
HOKIMINING
QARORI

2019 йил "25" 09 Тошбулоқ шаҳарчаси 3095-сонли

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2020 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда) 17-моддаси, "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 277-модда) 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2017 йил 09/17/965/0393-сон) шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат вазирининг 2019 йил 10 майдаги 19-2019-Б-сон буйруғи билан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 31 майда 3163-рақами билан рўйхатдан ўтказилган) "Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида"ги Низомга (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.05.2019 йил 10/19/3163/3221-сон) асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун туманда 2020 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ, 2020 йилда мазкур

тоифадаги шахслар учун иш жойларининг энг кам миқдори белгиланган корхоналар ва ташкилотлар рўйхати 2-иловага асосан тасдиқлансин.

2. “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун иш ўринларининг энг кам сони 2-иловага мувофиқ ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача сони 395 нафарини ташкил этадиган 10,0 фоиз миқдорида, шу жумладан:

ногиронлар учун 3,1 фоиз (121 нафар юқорида кўрсатилган иш ўринларига туманда ногиронлар ишга жойлашиш бўйича талаб 10 та бўлганлиги сабабли, келгусида 111 та иш ўринни умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун банд этиб қўйилсин);

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун 3,5 фоиз (140 киши);

ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота- оналар учун 1,3 фоиз (50,5 киши);

пенсияолди ёшидаги шахслар учун 0,6 фоиз (25 киши);

сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун 0,4 фоиз (17,5 киши);

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралар қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун 1,0 фоиз (39 киши);

ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларнинг бошқа тоифалари, шу жумладан одам савдоси қурбонлари учун 0,05 фоиз (2 киши) миқдорида иш ўринлари заҳирасини белгилансин.

3. Ушбу тоифа шахслар учун иш ўринлари санитария-гигиена меъёрларига ва ходим ўз меҳнат мажбуриятларини тўсиқсиз бажаришини таъминлайдиган меҳнат қилиш шароитларига, шу жумладан, қуйидагиларга мувофиқ бўлиши керак:

14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун – болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича мажбуриятлар бажарилишини бирга қўшиб олиб бориш имконини берувчи ишнинг мослашувчан жадвалига эга бўлган иш ўринлари;таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлагандан кейин касбни эгаллаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун – уларнинг касбий тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

сафарбарлик чақириқ захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг профессионал тайёргарлигига мос бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ва ходимга уларнинг соғлиги ҳолатини ва меҳнат фаолиятига тўғри келмайдиган белгиланган зидликлар ҳисобга олинган ҳолда меҳнат операцияларини тўсиқсиз бажариш имконини берадиган иш ўринлари;

пенсияолди ёшидаги шахслар учун – уларнинг касбий тайёргарлигига мос бўлган ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари;

жазони ижро этиш муассасаларидан ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун – уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари;

одам савдоси қурбонлари учун – уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари.

4. Иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар:

муҳандислар, иқтисодчилар, ҳисобчи, ҳисобчи-тафтишчи, ҳуқуқшунос, зоотехник, агроном, шифокор, ҳамшира, кичик тиббий ходим, иш юритувчи, ўқитувчи, тарозибон, электр ва автоаравача ҳайдовчиси, ташувчи, фаррош, ўтёқар, ободонлаштириш ишчиси, омборчи, ЭҲМ оператори, юкчи, ишчи, боғбон, қоровул.

5. Тумандаги мавжуд корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ушбу қарорнинг 1-иловасида кўрсатилган иш ўринлари ташкил этилишини таъминласин;

йил бошланишидан олдин 10 кундан кечикмай муҳтожларни ишга жойлаштириш учун муҳтожлар учун захирага қўйиладиган иш ўринлари умумий сонининг камида 25 (йигирма беш) фоизи миқдорида иш ўринлари

захирага қўйилишини ва тайёрлигини таъминласин, шунингдек, бу ҳақда йил бошлангунга қадар туман Бандликка кўмаклашиш марказини хабардор қилсин;

муҳтожлар учун иш ўринларининг қолган қисмини захирага қўйиш ташкилот (иш берувчи) томонидан календарь йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминласин, бу ҳақда туман Бандликка кўмаклашиш марказига биринчи чорак тамом бўлгандан кейин 10 кундан кечикмай хабардор қилсин;

ташкилот ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-кунигача туман Бандликка кўмаклашиш марказига "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шакл бўйича муҳтожларни ишга жойлаштириш тўғрисида ахборот тақдим этсин;

банд қилиб қўйилган иш ўринларининг белгиланган сони ҳисобига ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг тайёрлиги тўғрисидаги ахборотни ташкилот томонидан тақдим этилмаганлигига ҳам ва амалда уларнинг тайёр эмаслигига ҳам меҳнат органи томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органи қарорининг бажарилмаганлиги сифатида қараши лозимлиги қайд этилсин.

ташкилот томонидан муҳтожларни ишга жойлаштириш учун иш ўринлари тайёрлиги тўғрисида ахборот тақдим этилмаслиги, тенг даражада захирага қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сони ҳисобига ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг амалда тайёр эмаслиги туман Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан туман ҳокимининг қарори бажарилмаслиги сифатида қаралиши лозимлиги қайд этилсин.

6. Туман ҳокимининг муҳтожлар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича ушбу қарори бажарилмаганда, шунингдек, уларни ишга қабул қилиш асоссиз равишда рад этилганлиги учун ташкилотларнинг мансабдор шахсларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жавобгарлик белгиланади.

7. Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг "Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғига асосан субсидиялар ажратиб бериш тартиби амалиётга жорий этилганлигини

ҳисобга олиб, “ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган энг кам сондан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга – ҳар бир ходим учун бир йил давомида ойига базавий ҳисоблашнинг 2 баравари миқдорида ҳақ тўлаш” тўғрисидаги Низомга асосан субсидия ажратилишини таъминлансин.

8. Туман Бандликка кўмаклашиш маркази (С.Жўраев) мазкур қарорни беш кун муддатда қарорнинг 1-бандида кўрсатилган ташкилотлар раҳбарларининг эътиборига етказсин ва ушбу қарор бажарилиши устидан назоратни таъминласин.

9. Мазкур қарор “Истиқлол” газетасида расман эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб сайтига жойлаштирилсин.

10. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб 3 ойдан кейин кучга киради.

11. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Ахмадалиев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими в.б. **С.Мўминов**

O'Z.N RESP.NAMANGAN VILOYATI NAMANGAN TUMANI HOKIMLIGI
UMUMIY BO'LIMI

ASLIGA TO'G'RI
UMUMIY BO'LIM
MUDIRI

Туман ҳокимининг
2019 йил ____ сентябрдаги
____ сонли қарорига
1-илова

Тумандаги ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича комиссия таркиби

Комиссия раиси:

1. А.Ахмадалиев - Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари

Комиссия раисининг ўринбосари:

2. С.Жўраев - Туман бандликка кўмаклашиш маркази директори

Комиссия аъзолари:

3. Т.Сиддиқова - Туман ҳокимининг ўринбосари
4. А.Холиқов - Туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия масъул котиби
5. Д.Исақов - Туман Халқ таълим муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири
6. А.Мавланов - Туман ҳокимлиги ҳузуридаги жазони ижро этиш жойлардан бўшатилган шахсларда ижтимоий кўникмалар ҳосил қилиш маркази раҳбари ўринбосари

Комиссия котиби:

7. Х.Мустафоқулов - Туман бандликка кўмаклашиш марказининг Ишсизларни ишга жойлаштириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўлимининг бошлиғи

Изоҳ: *Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, уларнинг ўрнига янги тайинланган шахслар комиссия аъзоси ҳисобланади.*

Туман ҳокимининг
биринчи ўринбосари **А.Ахмадалиев**

Наманган туман хокимининг 2019 йил "__" "_____" даги
№ __-сонли қарорига
2-илова

Тумандаги ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун иш жойларининг энг кам миқдори белгиланган корхоналар ва ташкилотлар рўйхати

Т Р	Корхона ва ташкилот номи	Жами ишловчилар сони	Яратилиши лозим бўлган иш ўрни сони	Шу жумладан													
				Ногиронлар учун учун (3фоиз)		Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб хунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун		Ўн тўрт ёшгача болалари ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота ва оналар учун		Пенсияолди ёшидаги шахслар учун		Сафарбарплик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилоган шахслар учун		Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун		Ижтимоий химояга мухтож шахсларни бошқа тоифалари, шу жумладан одам савдоси қурбонлари учун	
				Сони	Фоизи	Сони	Фоизи	Сони	Фоизи	Сони	Фоизи	Сони	Фоизи	Сони	Фоизи	Сони	Фоизи
1	Наманган туман Тиббиёт бирлашмаси	1955	195,5	58,0	3,0	65,0	3,3	26	1,3	15	0,8	12,0	0,6	19	1,0	0,5	0,03
2	Ободонлаштириш бошкармаси	198	20,0	6,0	3,0	4,0	2,0	2,5	1,3	1,0	0,5	1,0	0,5	4,5	2,3	1,0	0,5
3	Наманган туман ЙФУК	67	7,0	2	3,0	3,0	4,5	0,5	0,7	0	0,0	0	0,0	1,5	2,2	0	0
4	Бешкапа болалар санаторияси	142	14,0	4,5	3,2	4,5	3,2	1,5	1,1	2	1,4	0,5	0,4	1,0	0,7	0	0
5	Туман Ветенария бўлими	21	2,0	0,5	2,4	1	4,8	0,5	2,4	0	0,0	0	0,0	0,0	0,0	0	0
6	Наманган Тола текстиль МЧЖ	335	33,5	10,0	3,0	14,0	4,2	4	1,2	1,5	0,4	0,5	0,1	3	0,9	0,5	0,15
7	Асрор Текстил МЧЖ	97	9,5	3,0	3,1	4,5	4,6	2,0	2,1	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0
8	1-сонли мактаб	71	7,0	2,5	3,5	3,0	4,2	0,5	0,7	0,5	0,7	0	0,0	0,5	0,7	0	0
9	4-сонли мактаб	30	3,0	1	3,3	1,5	5,0	0,5	1,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0
10	5-сонли мактаб	48	5,0	1,5	3,1	2,0	4,2	0,0	0,0	1	2,1	0	0,0	0,5	1,0	0	0
11	6-сонли мактаб	29	3,0	1,0	3,4	1,0	3,4	0,5	1,7	0	0,0	0	0,0	0,5	1,7	0	0
12	9-сонли мактаб	37	3,5	1	2,7	1,5	4,1	0,5	1,4	0,5	1,4	0	0,0	0,0	0,0	0	0
13	11-сонли мактаб	35	3,5	1	2,9	0,5	1,4	1	2,9	0	0,0	0,5	1,4	0,5	1,4	0	0
14	12-сонли мактаб	53	5,5	1,5	2,8	2,5	4,7	0,5	0,9	0	0,0	0	0,0	1	1,9	0	0
15	13-сонли мактаб	52	5,0	1,5	2,9	2	3,8	0	0,0	0,5	1,0	0	0,0	1	1,9	0	0
16	14-сонли мактаб	98	10	3	3,1	4,0	4,1	1	1,0	1	1,0	0	0,0	1,0	1,0	0	0
17	17-сонли мактаб	102	10,0	3,5	3,4	4,5	4,4	1,5	1,5	0	0,0	0	0,0	0,5	0,5	0	0
18	19-сонли мактаб	58	6,0	2,0	3,4	2	3,4	1,0	1,7	0,5	0,9	0,5	0,9	0	0,0	0	0
19	20-сонли мактаб	76	8,0	2,5	3,3	2,5	3,3	2,0	2,6	0	0,0	1	1,3	0	0,0	0	0
20	21-сонли мактаб	51	5,0	1,5	2,9	2	3,9	1,0	2,0	0	0,0	0	0,0	0,5	1,0	0	0
21	22-сонли мактаб	108	11,0	3,5	3,2	4	3,7	1,0	0,9	1	0,9	0,5	0,5	1,0	0,9	0	0
22	26-сонли мактаб	92	9,0	3	3,3	4,5	4,9	0,5	0,5	0	0,0	0	0,0	1,0	1,1	0	0
23	29-сонли мактаб	43	4,0	1,5	3,5	1	2,3	0,5	1,2	0	0,0	0	0,0	1,0	2,3	0	0
24	40-сонли мактаб	24	2,5	1	4,2	0,5	2,1	0,5	2,1	0	0,0	0,5	2,1	0	0,0	0	0
25	42-сонли мактаб	43	4,0	1,5	3,5	1,5	3,5	0,0	0,0	0	0,0	0,5	1,2	0,5	1,2	0	0
26	Туман болалар ва ўсмирлар спорт мактаби	85	8,5	3	3,5	3,5	4,1	1,0	1,2	0,5	0,6	0	0,0	0,5	0,6	0	0
	Жами	**3950**	**395,0**	**121**	**3,1**	**140**	**3,5**	**50,5**	**1,3**	**25**	**0,6**	**17,5**	**0,4**	**39**	**1,0**	**2**	**0,05**

Наманган туман хокимининг биринчи ўринбосари **А.Ахмадалиев**


Наманган туман Бандликка кўмаклашиш маркази директори **С.Жўраев**

Assalomu alaykum, aziz gazetxonlar!

ISTIQLOL

NAMANGAN TUMAN HOKIMLIGINING GAZETASI

Gazeta 1962 yil 10 iyundan chiqa boshlagan www.uzistiqlol.uz 32 (5912). 2019 - YIL. 4 OKTYABR JUMA. BAHOSI ERKIN NARXDA.



ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ БОШЛАНДИ

Марказий сайлов комиссияси 2019 йил 22 декабрни - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови куни, деб белгилади. Сайлов кампанияси 20 сентябрдан бошланиши эълон қилинди. Шу муносабат билан Халқаро матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда таъкидланганидек, бўлажак сайловлар мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта муҳим устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган илғор демократик ғояларнинг амалдаги ёркин ифодаси бўлади. Қолаверса, сайловлар илк бор Ўзбекистон Республикасининг янги Сайлов кодекси асосида ўтади. Улардa 20 миллиондан ортиқ сайловчилар, шулардан икки миллиондан зиёд ёшлар биринчи бор овоз бериши кутиляпти.

Бу йилги сайловларда биринчи марта бешта сиёсий партия ўз номзодларини илгари суриш ҳуқуқига эга. Булар - Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ва Ўзбекистон Экологик партиясидир. Сайлов кодексига мувофиқ, эндиликда сиёсий партиялар Қонунчилик палатасига бўлажак сайловларда 135 эмас, балки тўлиқ 150 сайлов округидан номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлди. Ўзбекистон Экологик ҳаракатига берилган квота чиқариб ташлангани партиялараро рақобатни кучайтиришга хизмат қилади.

Мажлисда Халқаро матбуот марказида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида маълумотлар берилди. Шу билан бирга сайловчиларга тезкор ахборот бериш маркази (Call-

ТУМАН ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2020 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда) 17-моддаси, "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й, 29-30-сон, 277-модда) 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2017 й, 09/17/965/0393-сон) шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 10 майдаги 19-2019-Б-сон буйруғи билан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 31 майда 3163-рақами билан рўйхатдан ўтказилган) "Ўзбекистон Республикаси ғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида"-ги Низомга (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.05.2019 й, 10/19/3163/3221-сон) асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун туманда 2020 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Тумандаги ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ, 2020 йилда мазкур тоифадаги шахслар учун иш жойларининг энг кам миқдори белгиланган корхона, ташкилот ва муассасалар рўйхати 2-иловага асосан тасдиқлансин.

2. "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг

ТУМАН ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2020 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун иш ўринларининг энг кам сони 2-иловага мувофиқ ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача сони 395 нафарни ташкил этадиган 10,0 фоиз миқдорида, шу жумладан:

ногиронлар учун 3,1 фоиз (121 нафар юқорида кўрсатилган иш ўринларига туманда ногиронлар ишга жойлашиш бўйича талаб 10 та бўлганлиги сабабли, келгусида 111 та иш ўринни умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун банд этиб қўйилсин);

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун 3,5 фоиз (140 киши);

ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 1,3 фоиз (50,5 киши);

пенсияолди ёшидаги шахслар учун 0,6 фоиз (25 киши);

сафарбарлик чақируви заҳирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун 0,4 фоиз (17,5 киши);

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралар қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун 1,0 фоиз (39 киши);

ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларнинг бошқа тоифалари, шу жумладан одам савдоси қурбонлари учун 0,05 фоиз (2 киши) миқдорида иш ўринлари заҳирасини белгилансин.

3. Ушбу тоифа шахслар учун иш ўринлари санитария-гигиена меъёрларига ва ходим ўз меҳнат мажбуриятларини тўсиқсиз бажаришини таъминлайдиган меҳнат қилиш шароитларига, шу жумладан, қуйидагиларга мувофиқ бўлиши керак:

14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун - болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари

қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ ушбу қарорнинг 2-иловасида кўрсатилган иш ўринлари ташкил этилишини таъминласин;

йил бошланишидан камида 10 кун олдин заҳирага қўйиладиган иш ўринлари умумий сонининг камида 25 (йигирма беш) фоизи ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш учун заҳирага қўйилишини ва тайёрлигини таъминласин, шунингдек, бу ҳақда йил бошлангунга қадар туман Бандликка кўмаклашиш марказини хабардор қилсин;

ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун иш ўринларининг қолган қисмини заҳирага қўйиш ташкилот (иш берувчи) томонидан 2020 йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминласин, бу ҳақда туман Бандликка кўмаклашиш марказига биринчи чорак тамом бўлгандан кейин 10 кундан кечикмай хабардор қилсин;

ташкилотлар ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-кунигача туман Бандликка кўмаклашиш марказига "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шакл бўйича ахборот тақдим этсин;

ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг тайёрлиги тўғрисидаги ахборотни ташкилот томонидан тақдим этмаслиги, тенг даражада заҳирага қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сони ҳисобига ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг амалда уларнинг тайёр эмаслигига ҳам туман Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан маҳаллий туман ҳокими қарорининг бажарилмаганлиги сифатида қаралиши лозимлиги қайд этилсин.

ташкилот томонидан муҳтожларни ишга жойлаштириш учун иш ўринлари тайёрлиги тўғрисида ахборот тақдим этилмаслиги, тенг

✦ ИНСОН ВА КОНУН

НОҚОНУНИЙ ДИНИЙ ЎҚИШХОНЛИК ОҚИБАТИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонун ҳамда Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 20 июндаги "Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш қоидалари"га асосан ибодат, диний расм-русумлар ва маросимлар белгиланган тартибда адлия органларидан рўйхатдан ўтиб, диний ташкилотлар жойлашган манзилдаги ибодатхонларда ва уларга тегишли ҳудудларда ўтказилади.

Бундан кўзланган асосий мақсад, диний экстремистик оқимларнинг ғараз ниятларининг олдини олиш, юртимиз келажаги, тинчлиги, халқимиз истиқболи ва фаровонлигини таъминлаш, уларни ҳамиша ҳушёр ва огоҳ бўлишга даъват этишдир. Чунки, айни пайтда турли диний экстремистик оқимлар ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида ҳеч нарсадан қайтмаяптилар. Улар дин ниқоби остида бузғунчилик, қўпорувчилик ишларини амалга ошириш пайидан бўлмоқдалар.

Шунинг учун расмий тарзда рўйхатдан ўтмаган жойларда ноқонуний равишда диний ўқишхонлик қилиш, айниқса, вояга етмаган ёшларга дини сабоқ бериш асло мумкин эмас. Бироқ баъзи чала мулла, отинойи ва диний оқимга хайрихоҳ бўлган айрим кимсалар яширин ҳолатда ўзларича диний сабоқ беришга ҳаракат қилишмоқда. Бу каби жиноятларнинг олдини олиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари маҳалла фаоллари, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда жойларда тезкор тадбирлар ўтказишмоқда.

Масалан, Эшобод маҳалласида яшовчи 4 нафар фарзанднинг онаси Мухтабар Абдуллаева аввал ҳам Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 241-моддасига асосан маъмурий жазога тортилган бўлишига қарамасдан, бундан ўзига тегишли хулоса чиқармай, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай махсус диний маълумоти бўлмай туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатисиз диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш жиноятини содир этди.

М.Абдуллаева ҳафтанинг ҳар якшанба кунлари ўзининг яшаш хонадонида набиралари - вояга етмаган А.Муталиев, И.Ғуломов, С.Ғаппорова, О.Ғаффороваларга ноқонуний диний сабоқ бериб келаётганлиги аниқланди. Ундан икки дона "Муаллими соний" диний китоби холислар иштирокида баённома орқали олинди. Шу билан бирга у туманда фаолият олиб бораётган расмий ва норасмий отинойилар рўйхатида ҳам турмаслиги маълум бўлди.

Яқинда судланувчи М.Абдуллаеванинг содир этган жиноий хатти-ҳаракатлари кўриб чиқилди. У судда қилмишига иқрорлиги ва қаттиқ пушаймонлиги, келгусида бундай қонунбузарликка йўл қўймаслигини билдириб, қонуний енгиллик берилишини сўради. Суд М.Абдуллаевага нисбатан қонуний жазо тайинлади.

Ж.ХАМИДОВ,
туман прокурорининг ёрдамчиси,
Э.ОТАЛИҚОВ,
туман ИИБ ҳузуридаги тергов бўлинмаси катта терговчиси,
капитан.

олиш ва кун бўлаги ота-оналар учун - болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича мажбуриятлар бажарилишини бирга қўшиб олиб бориш имконини берувчи ишнинг мослашувчан жадвалига эга бўлган иш ўринлари; таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун - уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлагандан кейин касбни эгаллаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун - уларнинг касбий тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

сафарбарлик чақириқ заҳирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун - уларнинг профессионал тайёргарлигига мос бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун - меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ва ходимга уларнинг соғлиги ҳолатини ва меҳнат фаолиятига тўғри келмайдиган белгиланган зидликлар ҳисобга олинган ҳолда меҳнат операцияларини тўсиқсиз бажариш имконини берадиган иш ўринлари;

пенсияолди ёшидаги шахслар учун - уларнинг касбий тайёргарлигига мос бўлган ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари;

жазони ижро этиш муассасаларидан ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун - уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари;

одам савдоси қурбонлари учун - уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари.

4. Иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар:

муҳандислар, иқтисодчилар, ҳисобчи, ҳисобчи-тафтишчи, ҳуқуқшунос, зоотехник, агроном, шифокор, ҳамшира, кичик тиббий ходим, иш юритувчи, ўқитувчи, тарозибон, электр ва автоаравача ҳайдовчиси, ташувчи, фаррош, ўтёқар, ободонлаштириш ишчиси, омборчи, ЭҲМ оператори, юкчи, ишчи, боғбон, қоровул.

5. Тумандаги мавжуд корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон жойлаштириш учун иш ўринлари тайёрлиги тўғрисида ахборот тақдим этилмаслиги, тенг даражада заҳирага қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сони ҳисобига ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг амалда тайёр эмаслиги туман Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан туман ҳокимининг қарори бажарилмаслиги сифатида қаралиши лозимлиги қайд этилсин.

6. Туман ҳокимининг ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича ушбу қарори бажарилмаганда, шунингдек, уларни ишга қабул қилиш асоссиз равишда рад этилганлиги учун ташкилот, корхона ва муассасаларнинг мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жавобгарлик белгиланганлиги алоҳида қайд этилсин.

7. Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг "Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғига асосан субсидиялар ажратиб бериш тартиби амалиётга жорий этилганлигини ҳисобга олиб, "Ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган энг кам сонидан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга - ҳар бир ходим учун бир йил давомида ойига базавий ҳисоблашнинг 2 баравари миқдорида ҳақ тўлаш" тўғрисидаги Низомга асосан субсидия ажратилишини таъминлансин.

8. Туман Бандликка кўмаклашиш маркази (С.Жўраев) мазкур қарорни беш кун муддатда қарорнинг 2-иловасида кўрсатилган ташкилот, корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари эътиборига етказсин ва ушбу қарор бажарилиши устидан назоратни таъминласин.

9. Мазкур қарор "Истиқлол" газетасида расман эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб сайтига жойлаштирилсин.

10. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб 3 ойдан кейин кучга киради.

11. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Аҳмадалиев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими вазифасини бажарувчи
С.МЎМИНОВ

2019 йил 25 сентябрь
Тошбулоқ шаҳарчаси

олдини олиш учун ҳуқуқни муҳофа- **капитан.**

ЁШЛАРНИ ЁТ ҒОЯЛАРДАН АСРАЙЛИК

Ҳозирги таҳликали замонда интернет тармоғи орқали тарқатилаётган ғаразли маълумотлар, вайронкор ғоялар, одоб-ахлоқни емирувчи илатлар ёш авлод тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун ўқув муассасалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, корхона, ташкилотларда маънавий-маърифий соҳадаги ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, аҳоли, хусусан ёшларни турли ёт ғоялардан ҳимоя қилиш, уларда ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, онгида мустаҳкам иммунитетни шакллантириш олдимизда турган энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Чунки, қаерда бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг зарур масалалар ўзибўларликка ташлаб қўйилса, оқибати жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этишга олиб келади. Лоқайд одамлардан ҳеч қачон яхшилик чиқмайди. Улар ҳатто, ўз халқи, ватани тақдирига ҳам бегонадек қарайди. Жамиятимиз, турмуш тарзимизга ёт бўлган, эзгу анъаналаримизни оёқ ости қилишга қаратилган ёвуз кучлар, ғаразгўй кимсалар бор экан, ҳамиша ҳушёр ва огоҳ бўлишни даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Рўй-рост айтиш керак, бугунги кунда ўсмир ёшлар ўртасида турли интернет сайдларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида диний экстремистик оқим тарафдорлари таъсирига тушиб қолиш каби салбий ҳолатлар кузатилмоқда.

Энг ачинарлиси, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилаётганлар ичида ёшлар ҳам учрамоқда. Бу иллат саломатлик кушандаси, турли жиноятлар негизи бўлибгина қолмай, балки, экстремизм ва терроризмнинг таянчидир. Биз ёшларимизга гиёҳвандликнинг зарарли томонларини атрофлича тушунтиришимиз керак. Унга билиб-билмай кириб қолган ёки бу йўлни ҳавас қилганларга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 19-боб, 270-276-моддаларида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар белгиланган бўлиб, уларни содир этганларга қонуний жазолар муқаррар эканлигини эслатиб қўйишимиз зарур.

Ёшлар онгига умуминсоний қадриятларни, миллий одоб-ахлоқни сингдириш, уларда юртга муҳаббат, Ватанга садоқат туйғуларини шакллантириш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш каби тадбирларни ўз вақтида амалга ошираолсак, улар ўртасида жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликка ўрин қолмайди. Яна шуни ҳам алоҳида айтиб ўтиш керакки, фан олимпиадалари, билимлар беллашуви, спорт мусобақалари, турли кўрик-танловларда ғолиб чиққан ўқувчиларни тенгдошларига ўрнак қилиб кўрсатиш, уларни рағбатлантириш ўзининг яхши самараларини беради. Юртбошимиз томонидан ёшларга берилаётган катта эътиборни ҳаётий мисоллар асосида улар қалбига сингдирайлик.

Биз ички ишлар идоралари ходимлари умумтаълим мактабларида бўлганимизда ўқувчиларнинг турли диний оқимлар таъсирига тушиб қолишлари, жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этишларининг олдини олиш мақсадида "Алданган аёл", "Жасур", "Тарбия бепарволикни кечирмайди", "Панжара ортидан репортаж", "Мажруҳ эътиқод" каби бадиий ва телефильмларни намойиш қиляпмиз.

О.ҲАСАНОВ,
туман ИИБ ЖҚБ катта тезкор вакили, капитан.